

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

465 **Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-3*

(2012 йил 7 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли «Статистик,

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

www.lex.uz

солик, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сонли қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 18 август,
24/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил
18 августдаги 24/10-сон қарорига
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча**

1. 1-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«комиссия — Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари ва кредит бю-роларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссияси.»

2. 24-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
«Микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиш мақсадида такроран тақдим этилган аризани қайта кўриб чиқишда лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномада илгари кўрсатилма-ган асослар бўйича микрокредит ташкилотига лицензия беришни рад этиш-га йўл қўйилмайди.»